

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДА
“УНИВЕРСИАДА-2019” СПОРТ МУСОБАКАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратadbirlари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладяган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сонли қарорлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-бб. Умумий қоидалар

1. “Универсиада” спорт мусобақалари Олий таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган талабаларни жисмоний етук ва ахлоқий баркамол, Ватанга садоқат руҳида камил инсон қилиб тарбиялаш, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантиришни амалга ошириш, олимпия спорт турлари ва миллий спорт турларига ёшларни қизиқиш ва эътиборини ошириш, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш натижаларини камол топтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида мусобақаларнинг олий таълим муассасалари босқичи, ҳудуд босқичи ва Республика финал босқичи-ҳар йили белгиланган ҳудудларда ўтказилади.

2-бб. Спорт мусобақаларининг мақсад ва вазифалари

2. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларини ўтказишдан асосий мақсад-талабаларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ёш иқтидорли спортчиларни танлаб олиш, уларда профессионал маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларига спорт заҳирасини тайёрлаш, талабаларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб этишга қаратилган спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштиришдан иборат.

3. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларини ўтказишдаги асосий вазифалар:

- талабалар соғлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш;

- талабаларни жисмоний ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

- олий таълим муассасаларида спорт билан шуғулланишни тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш;

- талабаларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий равишда жалб этиш;

- талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва улар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш орқали ўзаро дўстона алоқаларни мустаҳкамлашларига шароит яратиш;

-талабалар ўртасида спортнинг оммавийлашган олимпия ҳамда миллий спорт турларини ривожлантириш;

- талабаларнинг мафқуравий иммунитетини янада мустаҳкамлаш, ҳужукбузарлик ва салбий иллатларга қарши курашиш руҳиятида тарбиялаш;

-олий таълим муассасаларининг спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларига спорт захирасини тайёрлаш бўйича ишларнинг сифат ва самардорлигини ошириш;

-“Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг ғолиб ва совриндорларини аниқлаш, ўтказиладиган спорт мусобақалари натижаларини таҳлил қилиш.

3-боб. Спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

4. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларида олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида ўқиётган соғлом, тайланган спорт тури бўйича беллашув кўникмаларига эга ҳамда ОТМ спорт клуби аъзоси бўлган (бакалавр, магистр ва клиник оридинатор) талабаларидан иборат жамоалар иштирок этади.

5. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларида спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоа аъзоси бўлган талаба спортчилар иштирок этишига рухсат этилмайди.

6. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг барча босқичларида спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар ва Ихтисослаштирилган махсус мактаб интернати ўқувчиларининг иштирок этишига рухсат этилмайди.

7. “Универсиада-2019” спорт мусобақалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли қарори билан тасдиқланган дастурнинг IV боб 55 банди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сонли қарорига асосан 3-босқичда ўтказилади:

1 босқич – таълим муассасалари босқичи;

2 босқич–ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) босқичи;

3 босқич - Республика (финал) босқичи.

1-боскич - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим муассасаларида (Ўқишдан ажралмаган ҳолда) ҳар бир факультетнинг спорт турлари бўйича жамоаси шакллантирилади ва факультет жамоалари ўртасида мусобаканинг таълим муассасаси босқичи шахсий биринчилиги ўтказилади ҳамда таълим муассасасининг спорт турлари бўйича тарма жамоалари шакллантирилади:

№	Спорт турлари номи	Ўтказиш жойи	Ўтказиш муддати	Масъуллар
1	Волейбол (аёллар ва эркеклар)	Барча олий таълим муассасаларида	“Универсиада-2019” спорт мусобақалари дастуридан урин олган спорт турлари бўйича мусобақаларнинг 1-босқичи Республика финал босқичи ўтказилишидан 2 ой олдин ташкил этилади ва ўтказилади	Олий таълим муассасалари, Спорт клублари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бош қармалари, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациянинг минтақавий бўлимлари, Спорт турлари бўйича федерациялари
2	Белбоғли кураш			
3	Баскетбол(аёллар ва эркеклар)			
4	Гандбол (аёллар ва эркеклар)			
5	Дзюдо			
6	Шахмат			
7	Шашка			
8	Бадминтон			
9	Кураш			
10	Енгил атлетика			
11	Футбол			
12	Стол тенниси			

3-босқич - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг олий таълим муассасаларида голиб бўлган талабалар, олий таълим терма жамоалари ўртасида “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг ҳудудий босқичи қуйидаги тартибда ўтказилади ҳамда спорт турлари бўйича ҳудуд терма жамоалари шакллантирилади:

№	Спорт турлари номи	Ўтказиш жойи	Ўтказиш муддати	Масъуллар
1	Волейбол (аёллар ва эркеклар)	Вилоят марказларида	“Универсиада-2019” спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган спорт турлари бўйича мусобақаларнинг 2-босқичи Республика финал босқичи ўтказилишидан 1 ой олдин ташкил этилади ва ўтказилади	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-ҳунар таълими бошқармалари, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг минтакавий бўлимлари, Спорт турлари бўйича федерациялари
2	Белбоғли кураш			
3	Баскетбол(аёллар ва эркеклар)			
4	Гандбол (аёллар ва эркеклар)			
5	Дзюдо			
6	Шахмат			
7	Шашка			
8	Бадминтон			
9	Кураш			
10	Енгил атлетика			
11	Футбол			
12	Стол тенниси			

Изоҳ: “Универсиада-2019” спорт ўйинлари дастуридан ўрин олган барча спорт турлари бўйича ҳудудий спорт мусобақалари голиблари нўғридан-тўғри республика финал босқичида иштирок этадилар.

**“Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг спорт турлари бўйича
республика финал босқичини ўтказиш
ЖАДВАЛИ**

№	Вилоятлар	Спорт турлари	Ўтказиш ойлари	Ўтказиш кунлари	1-кун	2-кун	3-кун	4-кун	5-кун	6-кун
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Волейбол (аёллар)	Июнь	6-кун	*	**	**	**	**	***
2	Андижон вилояти	Белбоғли кураш	Сентябрь	4-кун	*	**	**	***		
3	Бухоро вилояти	Баскетбол (аёллар)	Октябрь	6-кун	*	**	**	**	**	***
4	Жиззах вилояти	Гандбол (эркаклар)	Октябрь	6-кун	*	**	**	**	**	***
5	Қашқадарё вилояти	Дзюдо	Ноябрь	5-кун	*	**	**	**	***	
6	Навоий вилояти	Шахмат, шашка	Декабрь	4-кун	*	**	**	***		
7	Наманган вилояти	Волейбол (эркаклар)	Декабрь	6-кун	*	**	**	**	**	***
8	Самарқанд вилояти	Гандбол (аёллар)	Январь	6-кун	*	**	**	**	**	***
9	Сирдарё вилояти	Бадминтон	Февраль	4-кун	*	**	**	***		
10	Сурхондарё вилояти	Кураш	Февраль	5-кун	*	**	**	**	***	
11	Тошкент вилояти	Енгил атлетика	Апрель	5-кун	*	**	**	**	***	
12	Фарғона вилояти	Футбол	Март	6-кун	*	**	**	**	**	***
13	Хоразм вилояти	Баскетбол (эркаклар)	Май	6-кун	*	**	**	**	**	***
14	Тошкент шаҳри	Стол тенниси	Июнь	4-кун	*	**	**	***		

*Изох: * - мусобақага келиш кuni*

*** - мусобақа кунлари*

**** - мусобақанинг ёпилиши ва спортчиларни кузатиш*

3-босқичи -Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий 2-босқичида голиб бўлган спортчилар “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичида иштирок этадилар.

Спорт мусобақаларининг Республика финал босқичларини ташкил қилаш ва ўтказиш учун “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларининг финал босқичини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси ва Спорт турлари бўйича федерациялар маъсул хисобланадилар.

“Универсиада” спорт мусобақаларининг республика финал босқичи ҳар йили спорт турлари бўйича навбатма-навбат республиканинг барча ҳудудларида ўтказилади.

4-боб. Спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга раҳбарлик қилиш

8. “Баромол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларини республика финал босқичини ўтказиш бўйича Ташкилий Қўмита “Универсиада-2019” спорт мусобақалари Республика финал босқичларини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сонли қарорига мувофиқ раҳбарлик қилади, унинг қабул қилган қарорларига асосан молиялаштирилади, ҳамда манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар буюртманомаларига биноан Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

9. Мусобақаларнинг ҳудудий босқичларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ташкилий Қўмита раисининг ўринбосари хисобланади ва мусобақаларнинг ўтказилишига раҳбарлик қиладилар.

10. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Ташкилий қўмита, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси ва спорт турлари бўйича федерациялари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

11. Спорт турлари бўйича мусобақалар халқаро спорт федерацияларининг амалдаги қоидаларига асосан ўтказилади.

12. Мусобақаларнинг ҳудудий босқичларини ташкил қилиш ва ўтказиш бевосита Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг Минтақавий бўлимлари ҳамда вилоят спорт федерациялари томонидан келишилган ҳолда тасдиқланган спорт турлари бўйича бош ҳакамлар ва ҳакамлар хайъати зиммаларига юклатилади.

13. Мусобақаларнинг Республика финал босқичларини ташкил қилиш ва ўтказиш бевосита Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси ҳамда Республика спорт федерациялар томонидан келишилган ҳолда тасдиқланган спорт турлари бўйича бош ҳакамлар ва ҳакамлар хайъати зиммаларига юклатилади.

**5-боб. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларида иштирок
этадиган терма жамоалар таркиби**

14. Спорт турлари бўйича мусобақалар мазкур Низом ҳамда халқаро спорт федерацияларининг амалдаги қоидаларига асосан ўтказилади.

15. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларининг фақат кундузги бўлимида таҳсил олаётган 17-28 ёшдаги ОТМ спорт клуби аъзоси бўлган (бакалавр, магистр ва клиник оординатор) талабалар қатнашишига рухсат этилади (мусобақа кунига қадар 28 ёшга тулмаган талабалар спорт мусобақаларида иштирок этишига рухсат этилади).

• Мусобақаларнинг ҳудудий, саралаш ва республика финал босқичида
иштирок этадиган терма жамоалар

ТАРКИБИ

Т/р	Спорт турлари	Иштирокчилар таркиби		Мураббийлар	Делегация раҳбарли* /	Ҳаммаси
		Эркеклар	Аёллар			
1	Волейбол	9	9	2	2	22
2	Белбоғли кураш	7	-	1	1	9
3	Баскетбол	9	9	2	2	22
4	Гандбол	11	11	2	2	26
5	Дзюдо	7	7	2	1	17
6	Шахмат	1	1	1	1	4
7	Шашка	1	1	1		3
8	Бадминтон	4	4	2	1	11
9	Кураш	7	8	2	1	18
10	Енгил атлетика	7	7	2	1	17
11	Футбол	16	-	2	1	19
12	Стол тенниси	2	2	1	1	6
13	Ҷами	81	59	20	14	174

Изоҳ:*- Ҳудудий жамоалар билан ташриф буюрадиган делегация раҳбарлари (минтақавий бўлим раис ўринбосарлари, вилоят хокимлигидан тайинланган вакил).

5-боб. Спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорларини аниқлаш тартиби

16. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичи ғолиб ва совриндорлари куйидаги тартибда аниқланади:

- дастурнинг спорт турларидан шахсий (яккалик) биринчилиги;
- “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичи мусобақалари якунлари бўйича умумжамоа ҳисобида биринчилик;
- “Универсиада-2019” спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган барча спорт турлари бўйича умумжамоа (комплекс) ҳисобида қўлга киритилган ҳар бир спорт туридан эгаллаган ўрнига қараб 1-15 (15 баллик) баллик тизим билан баҳоланади.

17. Спорт турларида жамоа биринчилигини аниқлаш чоғида 2(икки) ва ундан ортиқ жамоаларда баллар тенг бўлган ҳолларда (спортнинг ўйин турларидан ташқари), дастурнинг алоҳида спорт турларида I, II, III ва ҳоказо ўринларга қўпроқ эга бўлган жамоаларга устунлик берилади.

18. “Универсиада-2019” спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган спорт турларида иштирок этмаган жамоа 0 балл билан баҳоланади.

**Спорт турлари бўйича жамоа ва умумжамоа биринчилигини аниқлаш учун балларни ҳисоблаш
ЖАДВАЛИ**

Эгаллаган ўрни	Баллар
I - ўрин	15 - балл
II - ўрин	13 - балл
III - ўрин	12 - балл
IV - ўрин	11 - балл
V - ўрин	10 - балл
VI - ўрин	9 - балл
VII - ўрин	8 - балл
VIII - ўрин	7 - балл
IX - ўрин	6 - балл
X - ўрин	5 - балл
XI - ўрин	4 - балл
XII - ўрин	3 - балл
XIII - ўрин	2 - балл
XIV - ўрин	1 - балл

7-боб. Спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тартиби

19. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичида спорт турлари бўйича якка ва спортнинг ўйин (жамоавий) турлари бўйича мусобақаларда 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган спортчилар Ташкилий

Қўмита томонидан белгиланган тегишли даражадаги медаль, диплом ва киматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотланади.

20. Спорт мусобақаларида иштирок этган барча спортчилар, тренерлар, хакамлар ва раҳбарлик қилувчи ходимларга “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг иштирокчиси сертификатлари топширилади.

21. Спорт мусобақаларида фаол иштирок этган барча спортчилар, мураббийлар, хакамлар, раҳбарлик қилувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларга Ташкилий Қўмита томонидан ҳамда манфаатдор вазирлик ва хомий ташкилотлар маблағларидан келиб чиққан ҳолда “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг номинацияси бўйича (ғалабага бўлган иродаси учун, энг яхши техникаси учун, спорт тадбирларни тайёрлаш ва мусобақа ўтказишдаги фаол иштирои учун, оммавий спортни ривожлантиришга муносиб хиссаси учун) алоҳида совғалар таъсис этилиши мумкин.

22. *Умумий мамоа ҳисобида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган жамоаларга Ўзбекистон Республикаси Президент совғаси сифатида Республикада ишлаб чиқарилган энгил автомобиль совға қилинади.*

23. Хомий ташкилотлар ва фуқаролар томонидан таъсис этиладиган мукофотлар Ташкилий Қўмита билан аввалдан келишиб олиниши лозим.

8-боб. Спорт мусобақаларини молиялаштириш тартиби

24. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг таълим муассасаси босқичини ташкил этиш ва ўтказишда олий таълим муассасалари ректорлари, спорт клуб раис ўринбосарлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари масъул ҳисобланадилар.

Шунингдек, спорт мусобақаларининг таълим муассасаси босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш, мусобақаларнинг очилиши ва ёпилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш, ташкилий ишлар ҳаражатини коплаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлаш олий таълим муассасалари ректорлари ҳамда спорт клуби раис ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

25. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш, спорт турлари бўйича мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш, ташкилий ишлар ҳаражатини коплаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси ва спорт турлари бўйича федерациялар зиммасига юклатилади.

Спорт мусобақалари ўтказиладиган спорт иншоотларини ва керакли спорт инвентарлари, ҳакамлар ҳайъати билан таъминлаш, ҳакамларнинг овқатланиш, ётоқхона, йўл кира ва иш ҳақи ҳаражатларини қоплаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ва вилоят спорт федерациялари томонидан амалга оширилади.

26. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг ва Республика финал босқичларини ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сонли қарорига мувофиқ, “Барқамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларини республика финал босқичини ўтказиш бўйича Ташкилий Қўмита раҳбарлик қилади ҳамда манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар буюртномаларига биноан Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси томонидан ўтказиладиган тадбирларни (мусобақаларнинг очилиши ва ёпилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш) ва ташкилий ишлар сарф ҳаражатлари Ташкилий қўмита қабул қилган қарорларга асосан молиялаштирилади.

Шунингдек, спорт мусобақалари ўтказиладиган спорт иншоотларини ва керакли спорт инвентарлари, ҳакамлар ҳайъати билан таъминлаш, ҳакамларнинг овқатланиш, ётоқхона, йўл кира ва иш ҳақи ҳаражатлари қоплаш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, спорт турлари бўйича Республика спорт федерациялари томонидан амалга оширилади.

9-боб. Талабномаларни берish тартиби ва муддати

27. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллаган олий таълим муассасаси спорт кублари раислари, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг Минтақавий бўлимлари “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичида иштирок этиш учун дастлабки талабномаларни тасдиқланган Низом талабаларига мувофиқ, спорт мусобақалари бошланишидан 20 кун олдин мусобақаларнинг 2-босқич якуни тўғрисидаги техник ҳисоботларини Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси Ижроия қўмитасига тақдим этади.

28. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичида иштирокчилар рўйхати ҳар бир қатнашчига тегишли ҳужжатлар (паспорт, рейтинг дафтарчаси, 3x4 ҳажмдаги сурат 6-дона, олий таълим муассасасида ўқиётганлиги тўғрисида буйруғи) спорт турлари бўйича Республика финал босқичидан 20 кун олдин Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясига тақдим этилади.

29. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича талабномаларни

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий жамоалари спорт мусобақалари бўлиб ўтадиган ҳудудга келган куни мандат комиссиясига топширади.

30. Мусобақаларга четдан (подставка) жалб қилинган ҳар бир спортчи учун 5 000 000 (беш миллион) сўм миқдорда жарима солинади. Бу жарима йўланма берган олий таълим муассасаси ҳисобидан тўланади.

Шунингдек, спортчи ёки жамоанинг натижалари бекор қилинади.

Спорт турлари бўйича ҳакамларга ҳам маълум талаблар қўйилади.

Агарда ҳакам ноҳалол ҳакамлик қилса ва бирорта жамоага ён босишга йўл қўйса, бу ҳолда ҳакам 3 000 000 (уч миллион) сўм миқдорда жарима тўлайди ва ҳакамлик фаолиятдан дисквалификация қилинади.

Мусобақа қатнашчилари ва тренерлар мусобақа жараёнида ёки жамоа ўртасида тартиб қоидаларини бузса, уларга ҳам Ташкилий қўмита томонидан жарима санкциялари қўлланилади.

31. Делегация раҳбарлари ва тренерлар ўз жамоа аъзоларининг йўлда, мусобақа ўтказиладиган, истиқомат қиладиган ва овқатланидиган жойларида юриш-туришларига жавобгардирлар.

Иштирокчиларнинг мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимларида тўлиқ қатнашишларига делегация раҳбарлари ва тренерлар масъулдирлар.

32. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичлари, иштирокчилари рўйхатини иловада белгиланган шаклда Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари томонидан тасдиқланади.

Ушбу рўйхат ўрнатилган тартибда Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясига тақдим этилади.

Рўйхатда спортчи талабалар, тренерлар, спорт жамоалари раҳбарлари ва масъуллари бўлиши шарт (1-жадвал).

Жамоалар таркибларига киритиладиган захирадаги спортчилар учун алоҳида талабнома берилади. Мусобақалар бошлангунча зарурат туғилганда захира талабнома таркибидаги спортчиларга рухсат этилади.

1-жадвал

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Қорақалпоғистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт
вазирлиги, вилоятлар
ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия
ва спорт бошқармаси бошлиги

Ф.И.О. _____
_____ 2019 йил

_____ бўйича «Универсади-2019» спорт мусобақаларининг финал босқичига
(хулуа номи) _____ спорт тури бўйича
шароитларидаги иштирокчилар
РУЙХАТИ

НАМУНА

№	Спортчи талабалар, тренерлар, хулуадаги спорт жамоалари раҳбарлари, инструкторларнинг Ф.И.О.	Олий таълим муассасасининг номи	Тутилган йили ойи, кун	Тутилган жойи	Миллати	Лицензия №	Қачон ва қан томондан боритган	Лицензия бўйича рўйхатда турган жойи	Бўйини бағиналиги (см)	Вазни (кг)	Расм
1. Спортчилар											
2. Тренерлар											
3. Хулуа спорт жамоалари раҳбарлари ва инструкторлари											

Ассоциациянинг Миллатларнинг бўлими
раиси уришбасари

Айвоо, муҳр/ _____ сина

10-боб. Низоларни баргарф этиш

33. Спорт мусобақаларида қатнашувчи иштирокчилар томонидан Низом талаблари бузилган ҳолларда, мусобақаларда иштирок этаётган жамоанинг натижаси бекор қилиниб, ушбу талабалар мусобақага қўйилмайди.

34. Спорт мусобақаларни ўтказиш жараёнида (иштирокчи томонидан) ҳалакат берилган ҳолларда мазкур иштирокчидан келиб чиқадиган барча норозилик хатлари мусобақа тугагандан сўнг бир соат ичида ёзма равишда бош ҳакамга тақдим этилиши шарт. Ташкилий кўмита ва ҳакамлар хайъти томонидан норозилик хатини 24 соат (1 сутка) ичида кўриб чиқилади.

35. Спорт мусобақалари якунлангандан кейин бир соатдан кейин норозилик хатлари ва ҳар қандай шикоятлар инobatга олинмайди.

11-боб. Финал мусобақаларини ўтказиш тартиби

“Универсиада-2019” спорт мусобақасининг республика финал босқичи мусобақалар таркибига кирган барча спорт турларидан ҳар йили спорт турлари бўйича навбатма-навбат республиканинг барча ҳудудларида ўтказилади. Ушбу жамоалар ўртасида қуръа ташланади ва олимпия тизими бўйича ўтказилади.

1. Дзю-до

Шахсий - жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:

Жами:	17 нафар.
Жумладан спортчилар:	14 нафар.
Эркалар:	7 нафар.
Аёллар:	7 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар
Вазн топфалари:	
Эркалар:	60, 66, 73, 81, 90, 100 = 100 кг.
Аёллар:	48, 52, 57, 63,70,78-78 кг

Мусобақалар халқаро Дзюдо федерацияси қондалари асосида ўтказилади.

Мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Мусобақаларда ҳар-бир вазнга жамоалардан биттадан спортчи қўйилади;

2. Баскетбол

(эркак ва аёллар)

Жамоа таркиби:

Жами:	21 нафар.
Жумладан спортчилар:	18 нафар.
Эркалар:	9 нафар.
Аёллар:	9 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар

Мусобақалар Халқаро баскетбол федерацияси (ФИБА) қоидаларига асосан (айланма тизимда) ўтказилади.

Мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

3. Кураш

Шахсий – жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:

Жами:	18 нафар.
Жумладан спортчилар:	15 нафар.
Эркаклар:	7 нафар.
Аёллар:	8 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари:	1 нафар.

Вазн тоифалари:

Эркаклар:	60, 66, 73, 81, 90, 100 +100 кг.
Аёллар:	48, 52, 57, 63, 70, 78, 87+87 кг.

Мусобақалар Халқаро Кураш федерацияси қоидаларига асосан ўтказилади.

Жамоалар ҳар вазн тоифасидаги фақат бир иштирокчини қўйиши мумкин.

Мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

4. Футбол

Жамоа таркиби:

Жами:	19 нафар.
Жумладан спортчилар:	16 нафар.
Эркаклар:	16 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари:	1 нафар.

Мусобақалар Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан тасдиқланган “Футбол ўйини қоидалари” ва ФИФА услубий кўрсатмасига асосан (айланма тизимда) ўтказилади.

Мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

5. Гандбол

(Ўсмирлар ва қизлар)

Жамоа таркиби:

Жами:	25 нафар.
Жумладан спортчилар:	22 нафар.
Эркаклар:	11 нафар.
Аёллар:	11 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари:	1 нафар.

Мусобақалар Халқаро гандбол федерацияси тасдиқлаган қоидалар асосида (айланма тизимда) ўтказилади.

Ўйинлар 2 тайм, 30 дақиқадан ўтказилади. Танаффус 10 дақиқа. Ўйинда дуранг қайд қилинса ҳар бир жамоадан 5 нафардан ўйинчи 7 метрлик масофадан дарвозага биттадан (қўл билан) зарба бериши белгиланади. Шунда ҳам ҳисоб дуранг бўлса, биринчи хатогача давом эттирилади.

Мусобақаларга Ўзбекистон миллий тарма жамоаси аъзолари иштирок этиши тақиқланади.

6. Енгил атлетика Шахсий-жамоа мусобақалари

Жамоа таркиби:

Жами: 17 нафар.

Жумладан спортчилар: 14 нафар.

Эркалар: 7 нафар.

Аёллар: 7 нафар.

Мурабий: 2 нафар.

Делегация раҳбари 1 нафар

Мусобақа дастури

Эркалар:

100, 200, 400, 800, 1500, 3000м.га, эстафета 4x100м, 4x400м, 110м тўсиклар оша югуриш, баландликка, узунликка ва узунликка уч хатлаб сакраш, ядро иткитиш.

Аёллар:

100, 200, 400, 800, 1500, 3000 метрга, 100 м тўсиклар оша югуриш, эстафета 4x100м, 4x400 м, баландликка, узунликка ва узунликка уч хатлаб сакраш, ядро иткитиш

Сянов тизими дастурнинг ҳар бир турига 2 кишидан кўп бўлмаган ва 1 тадан эстафета жамоасини тақдим этиши мумкин. Ҳар бир катнашчи дастурдаги ўзининг 2 оралик масофаси (дистанцияси) ва 2 эстафетада иштирок этиши мумкин.

Жамоа биринчилиги I–XIV ўринлар учун шахсий биринчилик ва эстафетада кўрсатилган натижалар баҳолари жадвал бўйича ҳисобланган очколарнинг кўп миқдори бўйича аниқланади. Жамоа биринчилигини аниқлаш учун 17 та натижа ҳисобга олинади ва қўшимча 3 та эстафетадаги натижа билан аниқланади. Жами 20 та натижа бўлади.

Жамоалар тўплаган очколари тенг бўлган ҳолларда I, II, III, IV, V, VI ва ҳоказо ўринларга эга бўлган жамоа устунлик қилади. Эстафеталарда очколар «2» коэффициенти билан ҳисобланади.

Мусобақаларда Ўзбекистон миллий тарма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди

7. Стол тенниси

Шахсий - жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:

Жами:	4 нафар.
Жумладан спортчилар:	2 нафар.
Эркаклар:	1 нафар.
Аёллар:	1 нафар.
Мураббий:	1 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар

Мусобақа даътур:

Эркаклар ва аёллар	A-1 ўсмир	X-1 ўсмир
	B-1 киз	У-1 киз
	A-2 ўсмир	X-2 ўсмир
	B-2 киз	У-2 киз
	A-B аралаш жуфтлик, X-U аралаш жуфтлик	

Мусобақаларга Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Мусобақалар Ўзбекистон стол тенниси федерацияси томонидан тасдиқланган қондалар асосида Олимпия тизими бўйича барча ўринлар аниқланиб ўтказилади.

Қуръа ташлаш:

“Универсиада - 2019” спорт мусобақаларида эгаллаган ўрнига қараб “Змейка” усулида белгиланади.

Жамоалар 4 гуруҳга бўлинади. Гуруҳларда 1 ва 2-ўринни эгаллаган жамоа 1-8-ўринлар учун баҳс олиб борадилар. Шахсий ва аралаш учрашувлар олимпия тизими бўйича ўтказилади.

Жамоа учрашувлар бўйича ўтказиладиган баҳслар тартиби:

Жамоалар учрашувлари 5 партиядан иборат бўлади. Ҳисоб 11 очкогача давом эттирилади.

Мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

8. Белбоғли қураш

Шахсий - жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:

Жами:	9 нафар.
Жумладан спортчилар:	7 нафар.
Эркаклар:	7 нафар.
Мураббий:	1 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар

Вазн топфалари:

Эркаклар:	55, 60, 66, 73, 81, 90, +90 кг.
-----------	---------------------------------

Мусобақаларга ҳар-бир вазнга жамоалардан биттадан спортчи қўйилади;

Мусобақалар Ўзбекистон “Белбоғли кураш” федерацияси қоидалари асосида ўтказилади.

Мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди

9. Бадминтон

Жамоа таркиби:	
Жами:	11 нафар.
Жумладан спортчилар:	8 нафар.
Эркаклар:	4 нафар.
Аёллар:	4 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар

Мусобақалар Халқаро Бадминтон федерацияси қоидалари асосида ўтказилади
Мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди

10. Шахмат

Шахсий - жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:	
Жами:	4 нафар.
Жумладан спортчилар:	2 нафар.
Эркаклар:	1 нафар.
Аёллар:	1 нафар.
Мураббий:	1 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар

Мусобақалар Швейцария тизими бўйича Халқаро шахмат Федерацияси (ФИДЕ) томонидан тасдиқланган Шахмат кодекси асосида 7 тур тизими бўйича ўтказилади. Ҳар бир жамоада 1-та ўсмир, 1-та киз иштирок этади. Мусобақада ҳар бир катнашчига ўйин учун 30 дақиқадан вақт берилади. Мусобақада узрсиз катнашмаган ёки ундан бесабаб чиқиб кетганлар кейинги учрашувларга қўйилмайди ва уларнинг натижалари бекор қилинади.

Мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди

11. Шашка

Шахсий - жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:	
Жами:	4 нафар.
Жумладан спортчилар:	2 нафар.
Эркаклар:	1 нафар.
Аёллар:	1 нафар.
Мураббий:	1 нафар.

Мусобақалар Халқаро 64 катакли шашка Федерацияси(FMJD) қоидаларига асосан ўтказилади:

-мусобақаларда қайси жамоа ўйинни бошлаб беришини билиб олиш мақсадида куръа ташланади;

64-катакли пашка бўйича жамоалар сонига қараб икки гуруҳга бўлинган ҳолда айланма тарзда ўтказилади.

-гуруҳларда 1 ва 2 ўринни олган жамоалар ярим финал ва финал босқичида иштирок этадилар;

Ҳар бир партия оқ ва қора доналарда микро-матч асосида ўтказилиб ар бир партиядо рақибларга 10 дақиқадан жами 20 дақиқавақт берилади;

-агар томонлар дуранг натижа қайд этган бўлса ғолибни қўшимча блиц партиясидо аниқланади(блиц партиясидо ҳар бир иштирокчига 5 дақиқадан жами 10 дақиқа вақт берилади)

Мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

12. Волейбол (Ўсмирлар ва қизлар)

Жамоа таркиби:	
Жами:	21 нафар.
Жумладан спортчилар:	18 нафар.
Эркаклар:	9 нафар.
Аёллар:	9 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар

Мусобақалар Халқаро волейбол федерацияси (ФИВБ) қоидаларига асосан (айланма тизимда) ўтказилади. Мусобақалар “Микаса” фирмасининг рангли волейбол тўпларида ўйналади. Ўйин натижасига кўра иккита ва ундан ортиқ жамоаларнинг оқчолари тенг бўлиб қолганда қуйидагилар иннобатта олинади:

- барча учрашувлардаги партияларнинг фарқи;
- барча учрашувлардаги тўпларнинг фарқи;
- жамоаларнинг ўзаро учрашувидаги партияларнинг фарқи;
- жамоаларнинг ўзаро учрашувидаги тўпларнинг фарқи.

Мусобақаларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар иштирок этишига йўл қўйилмайди.

13-боб. Яқуний қоидалар

33. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичини ўтказиш Ташкилий қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Касб-ҳунар таълим маркази, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси томонидан “Универсиада” спорт мусобақалари Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

34. “Универсиада-2019” спорт мусобақалари яқка ва жамоа биринчиликлари бўйича ўтказилади.

35. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичи мазкур мусобақалар ўтказиладиган ҳудуддаги спорт базаларида ўтказилади.

36. Спорт мусобақаларининг рамзи ва байроғи Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

37. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг барча босқичлари 12 та спорт турлари бўйича ўтказилади.

38. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичи даврида ҳудуд жамоаларининг барча аъзолари спортчилар, мураббийлар ва бошқалар маҳаллий ҳокимликлар томонидан расман тасдиқланган масъул делегация раҳбарининг жавобгарлиги остида бўладилар.

39. Ташкилий қўмита белгилаган шартларнинг бажарилишини текшириб боради.

40. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичларида катнашувчи барча спортчилар:

- махсус ҳудуд номи ёзилган спорт либосларида бўлишлари;

- ўз рақибларига ва ҳакамларга нисбатан ҳурматда бўлишлари, ҳалол ва адолатли тамойиллар асосида кураш олиб боришлари, спорт мусобақаларини ўтказиш маданиятининг бузилишига йўл қўймасликлари;

- мусобақа иштирокчиларини молиявий шартлар асосида келишувга ундаш ҳолатларига йўл қўймасликлари;

- ҳудудларда ташкил қилинган спорт турлари бўйича мусобақа иштирокчилари тиббий кўриқдан ўтказилади.

41. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларини оммвий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш ҳамда мавжуд техника воситалари орқали тўғридан-тўғри эфирга узатиш амалга оширилади.

42. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларини ўтказиш учун чиқариладиган барча ҳужжатларда мусобақа рақами ва ўтказиладиган шаҳар номи кўрсатилиши керак.

43. Республика финал мусобақаларининг ўтказилиши жойларида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, “Универсиада-2019” спорт мусобақалари байроғи ва Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси байроқлари флагштокка кўтарилган ҳолда туриши керак. Байроқлар очилиш маросимида кўтарилади ва ёпилиш маросимида туширилади.

44. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичининг очилиш маросими мусобақалар бошланган куни ўтказилади, ёпилиш маросими эса мусобақаларнинг сўнгги куни ўтказилади.

45. “Универсиада-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичининг очилиш ва ёпилиш маросими театрлаштирилган бадий - спорт байрами тарзида ўтказилади.

46. Мусобақаларнинг ёпилиш маросимида тегишли совринлар топширилади.

Ташкилий қўмита



“ТАҚДИҚСАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг уринбосари
А. Абдулкасимов
2019 й.
15.07.2019

“КЕЛИНИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълими вазирининг
биринчи уринбосари, Касб-ҳунар
таълими маркази директори

М. Холмухамелов
М.Холмухамелов

“ ” 2019 й.

“КЕЛИНИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва
спорт вазирини



Д.Набиев
Д.Набиев

“ ” 2019 й.

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ҲУҚУВЧИЛАРИ ҲҲТАСИДА
“БАРКАМОЛ АВЛОД-2019” СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ҲҲТҚАЗИШ
ТАРТИБИ ТҲҲҲРИСИДАҲИ**

НИЗОМ



ТОШКЕНТ-2019

**КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ҲУҚУВЧИЛАРИ ҲУТАСИДА
“БАРКАМОЛ АВЛОД-2019” СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ҲТКАЗИШ
ТАРТИБИ ТҲҒРИСИДАГИ**

НИЗОМ

Мазкур Низом Ҳзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли ва Ҳзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ҳқувчи ва талаба ёшлар Ҳртасида Ҳтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сонли қарорлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Баркамол авлод” спорт мусобақалари касб-хунар коллежларида таълим-тарбия олаётган Ҳқувчиларни жисмоний етук ва ахлоқий баркамол, Ватанга садоқат руҳида камил инсон қилиб тарбиялаш, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спортни ривожлантиришни замон талаблари даражасида амалга ошириш, олимпия спорт турлари ва миллий спорт турларига ёшларни қизиқтириш ва эътиборларини кучайтириш, Ҳқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, гадабага интилиш иштиёқларини камол топтириш, соғлом турмуш тарзини дақклантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида мусобақаларнинг касб-хунар коллежлари босқичи, туман (шаҳар) босқичи, ҳудуд босқичи ва Республика финал босқичи ҳар йили белгиланган ҳудудларда Ҳтказилади.

2-боб. Спорт мусобақалари Ҳтказишнинг мақсад ва вазифалари

2. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларини Ҳтказишдан асосий мақсад-Ҳқувчиларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ёш иқтидорли спортчиларни танлаб олиш, уларда профессионал маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларига спорт заҳирасини тайёрлаш, Ҳқувчиларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб этишга қаратилган спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштиришдан иборат.

3. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларини Ҳтказишдаги асосий вазифалар:

- ўсиб келаётган ёш авлодни соғлигини мустаҳкамлаш, Ҳқувчиларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш;
- Ҳқувчиларни жисмоний ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш;
- касб-хунар коллежлари Ҳқувчилари орасида спортни оммалаштириш ва янада ривожлантириш;

-ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий равишда жалб этиш;

-ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва улар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш орқали ўзаро дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга шароит яратиш;

-ўқувчлар ўртасида спортнинг оммавийлашган олимпия ҳамда миллий спорт турларини ривожлантириш;

-ўқувчиларнинг мафқуравий иммунитетини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларга қарши курашиш;

-касб-хунар коллежларининг спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий терма жамоаларига спорт захирасини тайёрлаш бўйича ишларининг сифат ва самардорлигини ошириш;

-“Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг ёлиб ва совриндорларини аниқлаш, ўтказиладиган спорт мусобақаларининг натижаларини таҳлил қилиш.

3-боб. Спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

4. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирок этади.

5. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг, барча босқичларида спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчилар ва Ихтисослаштирилган махсус спорт мактаб интернати ўқувчиларининг иштирок этишига руҳсат этилмайди.

6. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли қарори билан тасдиқланган дастурнинг IV боб 55 банди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сонли қарорларига асосан 4-босқичда ўтказилади:

1-босқич – таълим муассасалари босқичи;

2-босқич – туман (шаҳар) босқичи;

3-босқич – ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) босқичи;

4-босқич - Республика (финал) босқичи.

7. 1-босқич - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-хунар коллежларида (ўқишдан ажралмаган ҳолда) таълим муассасасида ҳар бир курснинг спорт турлари бўйича жамоалари шакллантирилади. курс жамоалари ўртасида мусобақанинг таълим муассасаси босқичи шахсий

биринчилиги ўтказилади ҳамда спорт турлари бўйича таълим муассасаси терма жамоаси шакллантирилади:

№	Спорт турлари номи	Ўтказиш жойи	Ўтказиш мuddати	Масъуллар
1	Дзюдо	Барча касб-хунар коллежларида	“Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган спорт турлари бўйича мусобақаларнинг 1-босқичи Республика финал босқичи ўтказилишидан 2 ой олдин ташкил этилади ва ўтказилади	Туман (шаҳар) Жисмоний тарбия ва спорт бўлими, Касб-хунар коллежи директори, Жисмоний тарбия раҳбари
2	Гандбол (ўсмирлар)			
3	Кураш			
4	Енгил атлетика			
5	Футбол			
6	Баскетбол (ўсмирлар)			
7	Гандбол (қизлар)			
8	Бадминтон			
9	Шахмат, шашка			
10	Баскетбол (қизлар)			
11	Белбоғли кураш			
12	Стол тенниси			
13	Волейбол (қизлар)			
14	Волейбол (ўсмирлар)			

8. 2-босқич - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг барча туманларидаги касб-ҳунар коллежларида ғолиб бўлган спортчи-ўқувчилар ўртасида “Барқамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг туман-шаҳар босқичи ўтказилади ҳамда спорт турлари бўйича туман-шаҳар терма жамоалари шакллантирилади:

№	Спорт турлари номи	Ўтказиш жойи	Ўтказиш муддати	Маъсуллар
1	Дзюдо	Туман (шаҳар) марказида	“Барқамол авлод-2019” спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган спорт турлари бўйича мусобақаларнинг 2-босқичи Республика финал босқичи ўтказилишидан 1.5 ой олдин ташкил этилади ва ўтказилади	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-ҳунар таълими бошқармаси, Туман (шаҳар) ҳокимликлари ва жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари
2	Гандбол (ўсмирлар)			
3	Қураш			
4	Енгил атлетика			
5	Футбол			
6	Баскетбол (ўсмирлар)			
7	Гандбол (қизлар)			
8	Бадминтон			
9	Шахмат, шашка			
10	Баскетбол (қизлар)			
11	Белбоғли қураш			
12	Стол тенниси			
13	Волейбол (қизлар)			
14	Волейбол (ўсмирлар)			

9. 3-босқич - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг барча туманларида ғолиб бўлган касб-хунар коллежлари ўқувчилардан иборат туман терма жамоалари ўртасида “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг ҳудудий босқичи ўтказилади ҳамда спорт турлари бўйича ҳудуд терма жамоалари шакллантирилади:

№	Спорт турлари номи	Ўтказиш жойи	Ўтказиш муддати	Маъсуллар
1	Дзюдо	Вилоят марказларида	“Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган спорт турлари бўйича мусобақаларининг 3-босқичи Республика финал босқичи ўтказилишидан 1 ой олдин ташкил этилади ва ўтказилади	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Райси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-хунар таълими бошқармалари, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг минтақавий бўлимлари, Спорт турлари бўйича федерациялари
2	Гандбол (ўсмирлар)			
3	Кураш			
4	Енгил атлетика			
5	Футбол			
6	Баскетбол (ўсмирлар)			
7	Гандбол (қизлар)			
8	Бадминтон			
9	Шахмат, шашка			
10	Баскетбол (қизлар)			
11	Белбоғли кураш			
12	Стол тенниси			
13	Волейбол (қизлар)			
14	Волейбол (ўсмирлар)			

Изоҳ: “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари таркибига кирган барча спорт турлари бўйича ҳудудий спорт мусобақаларининг ғолиблари тўғридан-тўғри республика финал босқичида иштирок этадилар.

**“Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг спорт турлари
бўйича республика финал боскичини ўтказиш
ЖАДВАЛИ**

№	Вилоятлар	Спорт турлари	Ўтказиш ойлари	Ўтказиш кунлари	1-кун	2-кун	3-кун	4-кун	5-кун	6-кун
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Дзюдо	Январь	5-кун	*	**	**	**	***	
2	Алтинон вилояти	Гандбол (Ўсмирлар)	Февраль	6-кун	*	**	**	**	**	***
3	Бухоро вилояти	Кураш	Март	5-кун	*	**	**	**	***	
4	Жиззах вилояти	Енгил атлетика	Март	5-кун	*	**	**	**	***	
5	Қашқадарё вилояти	Футбол	Апрель	6-кун	*	**	**	**	**	***
6	Навоё вилояти	Баскетбол (Ўсмирлар)	Май	6-кун	*	**	**	**	**	***
7	Наманган вилояти	Гандбол (қизлар)	Май	6-кун	*	**	**	**	**	***
8	Самарқанд вилояти	Бадминтон	Июнь	4-кун	*	**	**	***		
9	Сирдарё вилояти	Шахмат, шашка	Июнь	4-кун	*	**	**	***	1	
10	Сурхондарё вилояти	Баскетбол (қизлар)	Сентябрь	6-кун	*	**	**	**	**	***
11	Тошкент вилояти	Белбоғли кураш	Октябрь	6-кун	*	**	**	**	**	***
12	Фарғона вилояти	Стол тенниси	Октябрь	4-кун	*	**	**	***		
13	Хоразм вилояти	Волейбол (қизлар)	Ноябрь	6-кун	*	**	**	**	**	***
14	Тошкент шаҳри	Волейбол (Ўсмирлар)	Декабрь	6-кун	*	**	**	**	**	***

*Изоҳ: * - мусобақага келиш кун*

*** - мусобақа кунлари*

**** - мусобақа ёпилиши ва спортчиларни кузатиш*

4-боскичи -Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий 3-боскичида ғолиб бўлган спортчилар “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг республика финал боскичида иштирок этадилар.

Спорт мусобақаларининг республика финал боскичларини ташкил этиш ва ўтказиш учун “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларининг

республика финал босқичини ўтказиш бўйича Ташкилий Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси ва Спорт турлари бўйича федерациялари масъул ҳисобланадилар.

“Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг республика финал босқичи ҳар йил спорт турлари бўйича навбатма-навбат республиканинг барча ҳудудларида ўтказилади.

4-боб: Спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга раҳбарлик қилиш

10. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари Республика финал босқичини Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш туғрисида”ги 864-сонли қарорига мувофиқ, Ташкилий Қўмита раҳбарлик қилади ҳамда манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар буюртномаларига биноан Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

11. Мусобақаларнинг ҳудудий босқичларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ташкилий Қўмита раисининг ўринбосари ҳисобланади ва раҳбарлик қилади.

12. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақалари финал босқичини ўтказиш Ташкилий Қўмитаси, Касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси ва спорт турлари бўйича федерацияларга ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

13. Спорт турлари бўйича мусобақалар Халқаро спорт федерацияларининг амалдаги қоидаларига асосан ўтказилади.

14. Мусобақаларнинг ҳудудий босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш бевосита Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг Миптақавий бўлимлари ҳамда вилоят спорт федерациялари томонидан келишилган ҳолда, тасдиқланган спорт турлари бўйича Бош ҳакамлар ва ҳакамлар ҳайъати зиммаларига юклатилади.

15. Мусобақаларнинг Республика финал босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш бевосита Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси ҳамда спорт турлари бўйича федерациялари томонидан келишилган ҳолда, тасдиқланган спорт турлари бўйича Бош ҳакамлар ва ҳакамлар ҳайъати зиммаларига юклатилади.

5-боб. Спорт мусобақаларида иштирок этувчи терма жамоалар таркиби

16. Спорт турлари бўйича мусобақалар маскур Низом ҳамда халқаро спорт федерацияларининг амалдаги қоидаларига асосан ўтказилади.

17. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежларининг фақат кундузги бўлимида тахсил олаётган, ёши 17 дан 20 гача бўлган, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг Минтакавий бўлимининг бошланғич ташкилотига аъзо бўлган ўқувчиларининг катнашишлари рухсат этилади (20 ёшга тулган ўқувчилар спорт мусобақаларида иштирок этишига рухсат этилмайди).

“Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг республика финал босқичида иштирок этадиган терма жамоалар

ТАРКИБИ

Т/р	Спорт турлари	Иштирокчилар таркиби		Мураббийлар	Делегация раҳбарлари*	Жами
		Ўсмирлар	Қизлар			
1	Баскетбол	9	9	2	2	22
2	Волейбол	9	9	2	2	22
3	Енгил атлетика	7	7	2	1	17
4	Дзю-до	9	9	2	1	21
5	Бадминтон	4	4	2	1	11
6	Стол тенниси	2	2	1	1	6
7	Шахмат	1	1	1	1	4
8	Шашка	1	1	1		3
9	Футбол	16	-	2	1	19
10	Гандбол	11	11	2	2	26
11	Белбоғли кураш	9	-	1	1	11
12	Кураш	8	7	2	1	18
	Жами:	86	60	20	14	180

Изоҳ.*- Худудий жамоалар билан ташриф буюрадиган делегация раҳбарлари (минтакавий бўлим раис ўринбосарлари, вилоят хокимлигидан тайинланган вакил).

6-боб: Спорт мусобақалари голиб ва совриндорларини аниқлаш тартиби

18. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг республика финал босқичи голиб ва совриндорлари қуйидаги тартибда аниқланади:

- “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари дастурига киритилган спорт турлари бўйича шахсий (яккалик) биринчилиги;

- “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг республика финал босқичи мусобақалари якунлари бўйича умумжамоа ҳисобида биринчилиги;

- “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган барча спорт турлари бўйича умумжамоа (комплекс) ҳисобида қўлга киритилган ҳар бир спорт тури бўйича эгаллаган ўрнига қараб 1-15 (15-баллик) баллик тизим билан баҳоланади.

19. Спорт турларида жамоа биринчилигини аниқлаш чоғида 2(икки) ва ундан ортиқ жамоаларнинг баллари тенг бўлган ҳолларда (спорт ўйинларидан ташқари), дастурнинг алоҳида спорт турлари бўйича 1(бир), 2(икки),3(уч) ва ҳоказо ўринларга кўпроқ эга бўлган жамоаларга устунлик берилади.

20. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган спорт турларида иштирок этмаган жамоа 0(ноль) балл билан баҳоланади.

Спорт турлари бўйича жамоа ва умумжамоа биринчилигини аниқлаш учун балларни ҳисоблаш
ЖАДВАЛИ

Эгаллаган ўрни	Баллар
I - ўрин	15 - балл
II - ўрин	13 - балл
III - ўрин	12 - балл
IV - ўрин	11 - балл
V - ўрин	10 - балл
VI - ўрин	9 - балл
VII - ўрин	8 - балл
VIII - ўрин	7 - балл
IX - ўрин	6 - балл
X - ўрин	5 - балл
XI - ўрин	4 - балл
XII - ўрин	3 - балл
XIII - ўрин	2 - балл
XIV - ўрин	1 - балл

7-боб. Спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорларнинг тақдирлаш тартиби

21. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичида спорт турлари бўйича якка ва спортнинг ўйин (жамоавий) турлари бўйича мусобақаларда 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган спортчилар Ташкилий Қўмита томонидан белгиланган тегишли даражадаги медаль, диплом ва киматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотланади.

22. Спорт мусобақаларида иштирок этган барча спортчилар, мурабийлар, ҳакамлар ва раҳбарлик қилувчи ходимларга “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг иштироқчиси сертификатлари топширилади.

23. Спорт мусобақаларида фаол иштирок этган барча спортчилар, мурабийлар, ҳакамлар, раҳбарлик қилувчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларга Ташкилий Қўмита, манфаатдор вазирлик ва хомий ташкилотлар маблағларидан “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг номенацияси бўйича (ғалабага бўлган иродаси учун, энг яхши техникаси учун, спорт тadbирларни тайёрлаш ва ўтказишдаги фаол иштироқи учун ва оммавий спортни ривожлантиришга қўшган муносиб хиссаси учун) алоҳида совғалар таъсис этилиши мумкин.

24. Умумжамоа ҳисобида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган жамоаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси сифатида Республикада ишлаб чиқарилган енгил автомобиль берилади.

25. Ҳомий ташкилотлар ва фуқаролар томонидан таъсис этиладиган мукофотлар Ташкилий Қўмита билан аввалдан келишиб олиниши лозим.

8-боб. Спорт мусобақаларини молиялаштириш тартиби

26. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг таълим муассасаси босқичини ташкил қилиш ва ўтказишга касб-хунар коллежлари директорлари ва туман жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари маъсул ҳисобланади.

Шунингдек, спорт мусобақаларининг таълим муассасаси босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш, мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш, ташкилий ишларни сарф-ҳаражатларни қоплаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари директорлари зиммасига юклатилади.

27. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг туман-шаҳар босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш, очилиш ва ёпилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш, сарф-ҳаражатларини қоплаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари, туман-шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари зиммасига юклатилади.

Спорт мусобақалари ўтказиладиган спорт иншоотлари, керакли спорт инвентарлари ва ҳакамлар ҳайъати билан таъминлаш, ҳакамларнинг овқатланиш, ётоқхона, йўл кира ва иш ҳақи ҳаражатларини қоплаш туман-шаҳар ҳокимликлари ва жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари томонидан амалга оширилади.

28. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий босқичларини ташкил қилиш ва ўтказиш, спорт турлари бўйича мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш, ғолиб ва совриндорларни

тақдирлаш, сарф-ҳаражатларини қоплаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-ҳунар таълими бошқармаси, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг Минтақавий бўлимлари, спорт турлари бўйича федерациялар зиммасига юклатилади.

Спорт мусобақалари ўтказиладиган спорт иншоотларини ва керакли спорт инвентарлар, ҳакамлар ҳайъати билан таъминлаш, ҳакамларнинг овқатланиш, ётоқхона, йўл қира ва иш ҳақи ҳаражатларини қоплаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, вилоят спорт федерациялари томонидан амалга оширилади.

29. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичларини ўтказишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 864-сонли қарорига мувофиқ, “Баркамол авлод” ва Универсиада” спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш Ташкилий Қўмитаси раҳбарлик қилади ҳамда манфатдор вазирлик ва ташкилотлар бу юртмаларига биноан Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциацияси томонидан ўтказиладиган тадбирлар(мусобақаларнинг очилиши ва ёпилиш маросимларини юқори савияда ташкил этиш, голиб ва совриндорларни тақдирлаш) ва ташкилий ишлар сарф-ҳаражатлари Ташкилий Қўмита қабул қилган қарорларга асосан молиялаштирилади.

Шунингдек, спорт мусобақалари ўтказиладиган спорт иншоотлари, керакли спорт инвентарлари ва ҳакамлар ҳайъати билан таъминлаш, ҳакамларнинг овқатланиш, ётоқхона, йўл қира ва иш ҳақи ҳаражатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, спорт турлари бўйича Республика спорт федерациялари зиммасига юклатилади.

9-боб. Талабномаларни бериш тартиби ва муддати

30. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касб-ҳунар ҳудудий таълим бошқармалари, Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясининг Минтақавий бўлимлари “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичида иштирок этиш учун дастлабки талабномаларни тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ, спорт мусобақалари бошланишидан камидан 20 кун олдин 3-босқич мусобақа якуни тўғрисидаги техник ҳисоботлар билан Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясига тақдим этади.

31. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичида иштирокчилар рўйхати ҳар бир катнашчига тегишли ҳужжатлар (нұхсалари: ласпорт, рейтинг дафтарчаси, 3x4 ҳажмдаги фотосурат 6 дона, касб-ҳунар коллежининг ўқиётганлиги тўғрисида буйруғи) спорт турлари бўйича республика финал босқичи ўтказилишидан камида 20 кун олдин Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясига тақдим этилади.

32. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича талабномаларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий жамоалари спорт мусобақалари бўлиб ўтадиган ҳудудга келган кун и мавдат комиссиясига топширадилар.

33. Мусобақаларга четдан (подставка) жалб қилинган ҳар бир спортчи учун 5 000 000 (беш миллион) сўм миқдорда жарима солинади. Бу жаримани тўлаш йўлланма берган муассаса ва ташкилотлар зиммасига юкланади.

Шунингдек, спортчи ёки жамоанинг натижалари бекор қилинади.

Спорт турлари бўйича ҳақамларга ҳам маълум талаблар қўйилади.

Агар ҳақам ноҳалол ҳақамлик қилса ва бирорта жамоага ён босишга йўл қўйса, бу ҳолда ҳақам 3 000 000 (уч миллион) сўм миқдорда жарима тўлайди ва ҳақамлик фаолиятидан дисквалификация қилинади.

Мусобақа қатнашчилари ва мураббийлар мусобақа жараёнида ёки жамоа ўртасида тартиб қоидаларини бузса, уларга ҳам Ташкилий Қўмита (белгиланади) томонидан жарима санкциялари қўлланилади.

34. Делегация раҳбарлари ва тренерлар ўз жамоа аъзоларининг йўлда, мусобақа ўтказиладиган, истикомат қиладиган ва овқатланадиган жойларида юриш-туришларига жавобгардирлар.

Иштирокчилар мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимларида тўлиқ катнашишларига делегация раҳбарлари ва тренерлар масъулдирлар.

35. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг Республика финал босқичлари иштирокчилари рўйхати иловада белгиланган шаклда Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари томонидан тасдиқланади.

Ушбу рўйхат ўрнатилган тартибда Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациясига тақдим этилади.

Рўйхатда спортчи укувчилар, тренерлар, спорт жамоалари раҳбарлари ва масъуллари бўлиши шарт (1-жадвал).

Жамоалар таркибларига киритиладиган захирадаги спортчилар учун алоҳида талабнома берилади. Мусобақалар бошлангунга қадар зарурат тугилганда захира талабномасида кўрсатилган спортчиларга иштирок этиш руҳсат этилади.

1-жадвал

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қорақалпоғистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт
вазирлиги, вилоятлар
ва Тошкент шаҳар Жисмоний
тарбия ва спорт бошқармаси
бошлиғи

Ф.И.О. _____
_____ 2019 йил

_____ йўлчи “Баркамол злат”-2019” спорт мусобақасининг Республикаси футбол босқичига _____ спорт тури бўйича
(хулафа ном) _____ шакллантирилган шартномага
РЎХАТИ

НАМУНА

№/р	Спортчи-қўриқчилар, тренерлар, хулафа спорт жамоалари раҳбарлари, мусулаларнинг Ф.И.О.	Академик лицей ва касб-хунаф қолмақан шўъба	Туғилган йили ва оиласи	Туғилган жойи	Миллати	Паспорт серияси, №	Қачон ва қачон қолмақан берилган	Паспорт бўйича рухсатда турган жойи	Бўйи (см)	Вазни (кг)	Расми
	1. Спортчи-қўриқчилар										
	2. Тренерлар										
	3. Хулафа спорт жамоалари раҳбарлари ва мусулалари										

1. Касб-хунаф таълими хулафий бошқармаси бошлиғи

2. Ассотипининг йўлчиқавий бўлиқ
раиси Уринбосари

_____ /инго, муқр/ _____ сина

_____ /инго, муқр/ _____ сина

10-боб. Низоларни бартараф этиш

36. Спорт мусобақалари иштирокчилари томонидан Низом талаблари бузилган ҳолларда, мусобақаларда иштирок этаётган ушбу жамоанинг натижаси бекор қилиниб, жамоа аъзолари мусобақадан четлаштирилади.

37. Спорт мусобақаларини ўтказиш жараёнига ҳалақит берган ҳар қандай шахс устидан тақдим этиладиган барча норозилик хатлари мусобақа тугагандан сўнг бир соат ичида ёзма равишда бош ҳакамга тақдим этилиши шарт. Ташкилий Қўмитга ва ҳакамлар хайъати томонидан норозилик хати 24 соат (1 сутка) ичида қўриб чиқилади.

38. Спорт мусобақалари якунлангандан кейин бир соатдан кейин норозилик хатлари ва бошқа шикоятлар инobatга олинмайди.

11-боб. Спорт мусобақаларини ўтказиш тартиби

“Барқамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг дастурига киритилган спорт турлари бўйича бахслар ҳар йили навбатма-навбат республиканинг барча ҳудудларида ўтказилади.

1. Дзюдо

Шахсий - жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:	
Жами:	21 нафар.
Жумладан спортчилар:	18 нафар.
Ўсмирлар:	9 нафар.
Қизлар:	9 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари:	1 нафар.
Вазн топфалари:	
Ўсмирлар:	46, 50, 55, 60, 66, 73, 81, 90, +90 кг.
қизлар:	36, 40, 44, 48, 52, 57, 63, 70, +78 кг.

Мусобақалар Халқаро дзюдо (ИЖФ) федерацияси қоидалари асосида ўтказилади.

Мусобақаларга 1(бир)вазн топфасида 1(бир)жамоадан фақат 1(бир)спортчи киритилиши руҳсат этилади.

Дзюдо мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

2. Баскетбол

(Ўсмирлар ва қизлар)

Жамоа таркиби:	
Жами:	22 нафар.
Жумладан спортчилар:	18 нафар.
Ўсмирлар:	9 нафар.
Қизлар:	9 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари:	2нафар

Мусобақалар Халқаро баскетбол федерацияси (ФИБА) қоидаларига асосан (айланма тизимда) ўтказилади.

Баскетбол мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

3. Кураш

Шахсий – жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:	
Жами:	18 нафар.
Жумладан спортчилар:	15 нафар.
Ўсмирлар:	8 нафар.
Қизлар:	7 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар
Вазн тоифалари:	
-ўсмирлар;	55, 60, 66, 73, 81, 90, 100 +100 кг,
-қизлар;	44, 48, 52, 57, 63, 70, +70 кг.

Мусобақалар Халқаро кураш (ИКА) федерацияси қоидаларига асосан ўтказилади.

Мусобақаларга 1(бир)вазн тоифасида 1(бир)жамоадан фақат 1(бир)спортчи киритилиши руҳсат этилади.

Кураш мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирак этишига йўл қўйилмайди.

4. Футбол

Жамоа таркиби:	
Жами:	19 нафар.
Жумладан спортчилар:	16 нафар.
Ўсмирлар:	16 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар

Мусобақалар Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан тасдиқланган “Футбол ўйини қоидалари” ва (ФИФА) услубий кўрсатмасига асосан (айланма тизимда) ўтказилади.

Футбол мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирак этишига йўл қўйилмайди.

5. Гандбол

(ўсмирлар ва қизлар)

Жамоа таркиби:	
Жами:	26 нафар.
Жумладан спортчилар:	22 нафар.
Ўсмирлар:	11 нафар.
Қизлар:	11 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари	2 нафар

Мусобақалар Халқаро гандбол федерацияси тасдиқлаган қоидалар асосида (айланма тизимда) ўтказилади.

Ўйинлар 2 тайм, 30 дақиқадан ўтказилади. Танаффус 10 дақиқа. Ўйинда дуранг қайд қилинса ҳар бир жамоадан 5 нафардан ўйинчи 7 метрлик масофадан дарвозага (қўл билан) биттадан зарба бериши белгиланади. Шунда ҳам ҳисоб дуранг бўлса, биринчи хатогача давом эттирилади.

Гандбол мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

6. Енгил атлетика Шахсий-жамоа мусобақалари

Жамоа таркиби:	
Жами:	17 нафар.
Жумладан спортчилар:	14 нафар.
Ўмирлар:	7 нафар.
Қизлар:	7 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар
Мусобақа дастури	
Ўмирлар:	100, 200, 400, 800, 1500, 3000м.га, эстафета 4x100м, 4x400м, 110м тўсиклар оша югуриш, баландликка, узунликка ва узунликка уч хатлаб сакраш, ядро иткитиш.
қизлар:	100, 200, 400, 800, 1500, 3000 метрга, 100 м тўсиклар оша югуриш, эстафета 4x100м, 4x400м, баландликка, узунликка ва узунликка уч хатлаб сакраш, ядро иткитиш

Синов тизими дастурнинг ҳар бир турига 2 кишидан кўп бўлмаган ва 1 тадан эстафета жамоасини тақдим этиши мумкин. Ҳар бир катнашчи дастурдаги ўзининг 2 оралик масофаси (дистанцияси) ва 2 эстафетада иштирок этиши мумкин.

Жамоа биринчилиги I—XIV ўринлар учун шахсий биринчилиги ва эстафетада кўрсатилган натижалар баҳолари жадвал бўйича ҳисобланган балларнинг кўп миқдори бўйича аниқланади. Жамоа биринчилигини аниқлаш учун 17 та натижа ҳисобга олинади ва қўшимча 3 та эстафетадаги натижа билан аниқланади. Жами 20 та натижа бўлади.

Жамоалар тўплаган баллари тенг бўлган ҳолларда I, II, III, IV, V, VI ва ҳоказо ўринларга эга бўлган жамоа устунлик қилади. Эстафеталарда баллар «2» коэффиенти билан ҳисобланади.

Енгил атлетика мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

7. Стол тенниси Шахсий - жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:	
Жами:	4 нафар.
Жумладан спортчилар:	2 нафар.
Ўмирлар:	1 нафар.
Қизлар:	1 нафар.

Мураббий: 1 нафар.
Делегация рахбари 1 нафар

Мусобақа дастури:
Ўсмирлар ва кизлар

A-1 ўсмир X-1 ўсмир
B-1 киз У-1 киз
A-2 ўсмир X-2 ўсмир
B-2 киз У-2 киз
A-B аралаш жуфтлик, X-U аралаш жуфтлик

Мусобақалар Ўзбекистон стол тенниси федерацияси томонидан тасдиқланган қоидалар асосида олимпия тизими бўйича ўтказилади.

Куръа ташлаш:

“Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларида эгаллаган ўрнига қараб “Змейка” усулида белгиланади.

Жамоалар 4 гуруҳга бўлинади. Гуруҳларда 1 ва 2-ўринни эгаллаган жамоа 1-8-ўринлар учун баҳс олиб борадилар. Шахсий ва аралаш учрашувлар олимпия тизими бўйича ўтказилади.

Жамоавий баҳслар ўтказилиш тартиби:

Жамоалар учрашувлари 5 партиядан иборат бўлади. Ҳисоб 11 баллгача давом эттирилади.

Стол тенниси мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

8. Белбоғли кураш.

Шахсий - жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:

Жами: 11 нафар.
Жумладан спортчилар: 9 нафар.
Ўсмирлар: 9 нафар.
Мураббий: 1 нафар.
Делегация рахбари 1 нафар
Вазн тоифалари:
Ўсмирлар: 50, 55, 60, 65, 71, 77, 83, 90, +90 кг.

Мусобақалар Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси қоидалари асосида ўтказилади.

Мусобақаларга 1(бир)вазн тоифасида 1(бир)жамоадан фақат 1(бир)спортчи киритилиши руҳсат этилади.

Белбоғли кураш мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

9. Бадмингтон

Жамоа таркиби:

Жами: 11 нафар.
Жумладан спортчилар: 8 нафар.
Ўсмирлар: 4 нафар.

Қизлар:	4 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар

Мусобақалар Халқаро бадминтон (ВБФ) федерацияси қондалари асосида ўтказилади.

Бадминтон мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

10. Шахмат Шахсий - жамоа биринчилиги

Жамоа таркиби:	
Жами:	4 нафар.
Жумладан спортчилар:	2 нафар.
Ўсмирлар:	1 нафар.
Қизлар:	1 нафар.
Мураббий:	1 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар

Мусобақалар швейцария тизими бўйича Халқаро шахмат Федерацияси (ФИДЕ) томонидан тасдиқланган Шахмат кодекси асосида 7 тур тизими бўйича ўтказилади.

Ҳар бир жамоада 1-та ўсмир, 1-та қиз иштирок этади. Мусобақада ҳар бир қатнашчига ўйин учун 30 дақиқадан вақт берилади. Мусобақала узрли сабабсиз қатнашмаган ёки ундай бесабаб чиқиб кетган иштирокчилар кейинги баҳсларга қўйилмайди ва уларнинг натижалари бекор қилинади.

Шахмат мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

11. Шашка

Жамоа таркиби:	
Жами:	4 нафар.
Жумладан спортчилар:	2 нафар.
Эркаклар:	1 нафар.
Аёллар:	1 нафар.
Мураббий:	1 нафар.
Делегация раҳбари	1 нафар

Мусобақалар Халқаро 64 катакли шашка Федерацияси(FMJD) қондаларига асосан ўтказилади:

-мусобақаларда қайси жамоа ўйинни бошлаб беришини билиб олиш мақсадида қуръа ташланади;

64-катакли шашка бўйича жамоалар сонига қараб икки гуруҳга бўлинган ҳолда айланма тарзда ўтказилади.

-гуруҳларда 1 ва 2 ўринни олган жамоалар ярим финал ва финал босқичида иштирок этадилар;

Ҳар бир партия оқ ва қора доналарда микро-матч асосида ўтказилиб ҳар бир партиядо рақибларга 10 дақиқадан жами 20 дақиқа вақт берилади;

-агар томонлар дуранг натижа қайд этган бўлса ғолибни қўшимча блиц партиясидо аниқланади (блиц партиясидо ҳар бир иштирокчига 5 дақиқадан жами 10 дақиқа вақт берилади).

Шашка мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

12. Волейбол (Ўсмирлар ва қизлар)

Жамоа таркиби:	
Жами:	21 нафар.
Жумладан спортчилар:	18 нафар.
Ўсмирлар:	9 нафар.
Қизлар:	9 нафар.
Мураббий:	2 нафар.
Делегация раҳбари:	1 нафар.

Мусобақалар Халқаро волейбол федерацияси (ФИВБ) қондаларига асосан (айланма тизимда) ўтказилади.

Мусобақалар “Микаса” фирмасининг рангли волейбол тўпларида ўйналади.

Ўйинлар натижасига кура 2(икки) ва ундан ортик жамоаларнинг баллари тенг бўлиб қолганда қуйидагилар инобатга олинади:

- а) барча учрашувлардаги партияларнинг фарқи;
- б) барча учрашувлардаги тўпларнинг фарқи;
- в) жамоаларнинг ўзаро учрашувидаги партияларнинг фарқи;
- г) жамоаларнинг ўзаро учрашувидаги тўпларнинг фарқи.

Волейбол мусобақаларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлган спортчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

13-боб. Яқиний қондалар

39. “Баркамол авлод” ва Универсиада” спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш Ташкилий Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Қасб-хунар таълим маркази ҳамда Ўзбекистон талабалар спорти Ассоциациялари томонидан “Баркамол авлод” спорт мусобақалари Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

39. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари якка ва жамоа биринчиликлари бўйича ўтказилади.

40. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг республика финал босқичи мазкур мусобақалар ўтказиладиган ҳудуддаги спорт базаларида ўтказилади.

41. Спорт мусобақаларининг рамзи ва байроғи Ташкилий Қўмита томонидан тасдиқланади.

42. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг барча босқичлари 12 та спорт турлари бўйича ўтказилади.

43. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг республика финал босқичи ўтаётган вақтда ҳудуд жамоаларининг барча аъзолари спортчилар, мураббийлар ва бошқалар маҳаллий ҳокимликлар томонидан расман тасдиқланган масъул делегация раҳбарининг жавобгарлиги остида бўладилар.

44. Ташкилий Қўмита белгилаган шартларнинг бажарилишини текшириб боради.

45. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг республика финал босқичларида қатнашувчи барча спортчилар:

- махсус спорт либосларида бўлишлари;

- ўз рақибларига ва ҳакамларга нисбатан ҳурматда бўлишлари, ҳалол ва адолатли тамойиллар асосида кураш олиб боришлари, спорт мусобақаларини ўтказиш маданиятининг бузилишига йўл қўймасликлари;

- мусобақа иштирокчиларини молиявий шартлар асосида келишувга ундаш ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Худудларда ташкил қилинган спорт турлари бўйича мусобақа иштирокчилари соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан тиббий кўриқдан ўтказилади.

46. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш ҳамда мавжуд техника воситалари орқали тўғридан-тўғри эфирга узатиш амалга оширилади.

47. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларини ўтказиш учун чиқариладиган барча ҳужжатларда мусобақа рақами ва ўтказиладиган шаҳар номи кўрсатилиши керак.

48. Республика финал босқичи мусобақаларининг ўтказилиш жойларида, Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари байроқлари флагштокка қўтарилган ҳолда туриши керак. Байроқлар очилиш маросимида қўтарилади ва ёпилиш маросимида туширилади.

49. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақалари республика финал босқичининг очилиш маросими мусобақалар бошланган кунда, ёпилиш маросими эса мусобақаларнинг сўнгги кунда ўтказилади.

50. “Баркамол авлод-2019” спорт мусобақаларининг республика финал босқичининг очилиш ва ёпилиш маросими театрлаштирилган бадиий - спорт байрами тарзида ўтказилади.

Ташкилий Қўмита

